

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 22 МАЙ КУНИ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИФИЛИШ ЎТКАЗДИ.



# HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqib boshlagan

www.huquq.uz


2019-y. 23-MAY, №21 (1166)

**ЕРНИ  
ЎЗБОШИМЧАЛИК  
БИЛАН ЭГАЛЛАБ  
ОЛГАН ШАХС  
ОЗОДЛИКДАН  
МАХРУМ ҚИЛИНАДИ.**

4

## ҚАНДАЙ БОЛАЛАР ЗЎРАВОН БЎЛИБ УЛҒАЯДИ?

БОЛА ҚАЛБИ БЕҒУБОР. УНИ ОППОЗИЦИОН ҚОҒОЗГА ҚИЁСЛАШАДИ. АНА ШУ ОППОЗИЦИОН ҚОҒОЗНИ ЭЗГУЛИК, ЯХШИЛИК, МЕХРОҚИБАТ, ВАТАНПАРВАРЛИК КАБИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БИЛАН ТЎЛДИРИШ ОТА-ОНА, БОБО-БУВИНИНГ ОИЛАДАГИ ТАРБИЯСИГА БОҒЛИҚ.



7-бетда

**МИБ ФУҚАРО  
ФОЙДАСИГА 10  
МИЛЛИАРД  
СЎМДАН ОШИҚ  
ҚАРЗДОРЛИКНИ  
УНДИРДИ.**

6

**МАРКАЗНИНГ  
ЎҚИЛИШИДАН  
УНИНГ  
ДИРЕКТОРИ  
ҚАНДАЙ  
МАНФААТДОР ЭДИ?**


8

**ҚИЗ СУД  
ЖАРАЁНИДА ЎЗ  
ОТАСИГА  
ОҒИР ЖАЗО  
БЕРИЛИШINI  
СЎРАДИ...**

9

## МУАММОЛАР ҲАМ ЭТИЛМОҚДА

ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАЛАРИ ОРҚАЛИ ЧОП ЭТИЛГАН "ПОЧТАЧИНИ КЎРГАН БОРМИ?", "ПОЧТАГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИЛМОҚДА ЁХУД ТЎЛОВ УЧУН ТЎЛОВ ҚАНЧАЛАР АСОСЛИ?" ҲАМДА "КАНАЛЛАРГА ОҚИЗИЛАЁТГАН КАНАЛИЗАЦИЯ" НОМЛИ ТАНКИДИЙ МАҚОЛАЛАРГА ТЕГИШЛИ ИДОРЛАРНИНГ МУНОСАБАТИ АКС ЭТГАН ЖАВОБ ХАТЛАРИ КЕЛДИ.



3-бетда

## "ПОЛКОВНИК" ЛАҚАБЛИ ФИРИБГАР

МАҲБУСНИНГ ҚАМОҚДАГИ ЛАҚАБИ ОЗОДЛИККА ЧИҚҚАНИДА ФИРИБГАРЛИК УЧУН ҚЎЛ КЕЛДИ.

4-бетда

## ОБУНАДАЙ ТУШГАН МАБЛАҒЛАР ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНДИ

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан терговга қадар текшириш ўтказилди.

Текширишда "Матбуот тарқатувчи" АК Хоразм вилояти шўъба корхонаси директори О.К. 2017-2018 йилларда обуначилар томонидан тўланган 1,3 миллиард сўм пул маблағларидан 562,3 миллион сўмини ўғли А.К. ва қариндоши С.Ш.га қарашли "У.З." МЧЖга ўтказиб, талон-торож қилганлиги аниқланди.

Шунингдек, ушбу пул маблағлари эвазига "Каптив", "Ласетти", "Нексия" русумли автомашиналарни ҳамда шўъба корхона негизда ташкил этилган Ҳазорасп босмахонаси балансида бўлган ҳақиқий баҳоси 750 миллион сўмлик бино ва иншоотларни 16,7 миллион сўмга сотиб олиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирганлиги аниқланган.

Текширув давомида етказилган зарардан 562 миллион сўми ундирилиши таъминланган.

Худди шундай, "Матбуот тарқатувчи" АК Хонқа филиали раҳбари М.Р. ҳам 2018 йилда обуначилар томонидан тўланган 365,5 миллион сўм пул маблағларидан 214 миллион сўмини қариндоши Ш.А.га тегишли бўлган "А.С." ХКга ўтказиш йўли билан талон-торож қилиб, ушбу пул маблағлари эвазига Урганч шаҳридан турмуш ўртоғи А.А. номига уй сотиб олгани ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан О.К. ва М.Р.ларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Бош прокуратуранинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими



# ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

**Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги устувор йўналишлари ва қонун устуворлигини таъминлашдаги вазибалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги кадрлар салоҳиятини замонавий инновацион ёндашув ва амалиёт асосида янада юксалтиришни талаб қилмоқда.**

**Самир АРШИДИНОВ,**  
Бош прокуратура Академияси бўлим бошлиғи

Фан ва таълим соҳасида инновацион ёндашувларни жорий қилиш, Узаро тажриба алмашиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассисларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, илмий йутиқлар аҳамияти ва натижаларини муҳокама қилиш платформасини яратиш мақсадида Бош прокуратура Академияси томонидан "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ва таълим салоҳиятини ошириш: замонавий тенденциялар ва истиқболлар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Бош прокуратура Академияси ташкил этилганининг бир йиллигига ва шу давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган тадбир БМТТД, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, "Минтақавий диалог" ХННТ ва бошқа ташкилотлар кўмагида ўтказилди. Тадбирда 21 та давлат ва 11 та халқаро ташкилотнинг илм-фан ва таълим соҳасида фаолият юритаётган 50 нафардан зиёд чет эллик экспертлари, шунингдек, амалиётчи мутахассислари иштирок этишди.

Ялли ва тематик бўлимлар шаклида ташкил этилган анжуман ишида интеллектуал капитал ва технологияларни бирлаштириш борасидаги ҳамкорлик, юридик кадрларни тайёрлаш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш, коррупцияга қарши кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги илмий-таълим фаолияти ҳамда таълим жараёни сифатини бошқариш масалалари муҳокама қилинди.

Тўртта тематик бўлимда олиб борилган муҳокамалар

натижаларига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий ва таълим салоҳиятини ошириш, идораларо ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий таъсирали қабул қилинди.

Конференция тадбирлари доирасида Германиянинг Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) кўмагида жиноят ва жиноий-процессуал қонунчилиги соҳаси бўйича ГФРдан ташриф буюрган экспертлар



иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекси лойиҳалари қондаларини муҳокама қилишга қаратилган давра суҳбати ўтказилди.

Анжуман дастурига мувофиқ, амалий машғулот ва масофавий таълим учун барча зарур шароитлар яратилган Бош прокуратура Академияси янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Икки томонлама учрашувлар якунида Халқаро (IACA) ва Малайзия (MACA) коррупцияга қарши курашиш академиялари, Туркия Адлия академия-

Хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида идораларо илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида Бош прокуратура Академияси, ТДЮУ, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, ИИБ Академияси, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти, ДХИ институти, ДБКҚнинг Божхона институти, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази ва ДСК ҳузуридаги Малака ошириш марказининг Қўшма қарори имзоланди. Мазкур ҳужжат билан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва натижаларини амалиётга татбиқ этишни таъминлашга йўналтирилган Илмий-тадқиқот консорциуми ташкил этилди.

Шу билан бирга, Академиянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ва ДБКҚнинг Божхона институти билан ҳамкорлик меморандуми тузилди.

Нукус ҳарбий прокуратурасининг ташаббуси билан Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги билан ҳамкорликда 2019 йил май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида фуқароларни ҳарбий масалалар бўйича сайёр қабул қилиш жадвалига асосан оммавий сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

## Ҳарбий масалалар бўйича оммавий қабуллар

Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — аҳолини қийнаб келаётган, ҳал бўлмаётган ҳарбий масалалар бўйича муаммоларнинг қонуний ечимини топиш ва бу муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этишдан иборат.

Қабуллар жадвалига кўра, биринчи тадбир 2019 йилнинг 10 май кuni Нукус шаҳрида жойлашган Маданият ва санъат коллежида ўтказилиб, оммавий сайёр қабулда 203 нафар фуқаро иштирок этди. 43 та мурожаат мутасадди ташкилотлар масъул шахслари томонидан қабул қилиниб, мурожаат этувчиларга тегишли тартибда тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, кредит олиш масаласида мурожаат қилган 5 нафар фуқарога банклардан имтиёзли кредит олишлари учун йўланмалар берилишига эришилди.

Сайёр қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонаси мудири Х.Ҳалимов, Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони полковник Д.Чориев, Нукус ҳарбий суди раиси С.Қушатов, Нукус ҳарбий прокуратураси ва Округ қўшинлари кўмондонлиги масъ-

**Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Нукус ҳарбий прокурори

ул офицерлари, Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармаси, Марказий банки, Ёшлар Иттифоқи Нукус шаҳар бўлими, Нукус шаҳар халқ таълими, меҳнат ва бандликка қўмаклашиш маркази вакиллари иштирок этишди.

Оммавий сайёр қабуллар 2019 йил 14 май кuni Нукус туманида ва 17 май кuni Ташкентда бўлиб ўтказилиб, бу икки туманда ҳам мутасадди идоралар масъул шахслари томонидан аҳолининг ҳарбий масалалар бўйича муаммолари тингланди. Нукус туманида ўтказилган тадбирда 3 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 1 нафарига эса ишга жойлашиш учун йўланма берилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида ҳарбий масалалар бўйича оммавий сайёр қабуллар давом этмоқда. Уйлаймизки, бу каби тадбирлар аҳолининг оғирини енгил қилиб, муаммоларининг жойида қонуний ҳал этилишида ўзининг ижобий натижасини берилади.

## Ёш кадрлар малакаси оширилди

Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашда, халқимизнинг қонун устуворлигига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда малакали, касб маҳорати ва профессионал билимлари ўзлаштирилганлик даражаси юқори бўлган, замон талабларига жавоб берадиган, ижобий жиҳатдан ҳар томонлама барчага намуна бўладиган кадрлар муҳим ўрин тутди.

Шуни эътиборга олган ҳолда жорий йилнинг 15-18 май кунлари Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан тизимда хизмат қилаётган ёш мутахассислар билан "Ватан муқаддас — уни ҳимоя қилиш шарафли бурч" мавзусида навбатдаги ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда хизмат фаолияти ва назорат соҳаларидаги қонунийлик аҳоли тахливларидан келиб чиққан ҳолда долзарб мавзулар, машғулотлар, назарий ва амалий синовлар ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, уч кунлик семинар доғамида ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги "Ҳаёт" кинофильми ҳамда Мудофаа

**Ботирбек СОБИРОВ,**  
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

вазирлиги Манавият ва маърифат маркази ҳузуридаги "Турон" театри репертуаридан жой олган "Жалолдин Манғуберди" спектакли томоша қилинди.

Иштирокчилар Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти тарихи ва бугунги фаолияти билан яқиндан танишишди. Тадбир доирасида билим юртида мавжуд жанговар техника ва ўқ отар қуруллар кўрғазмаси ҳам ташкил этилди.

Ёш мутахассислар ҳарбий техникаларни бошқариш ва уларни жанг майдонига қўлаш бўйича ўқув-тренажёр комплексларида ўқув-амалий машғулотлар бажаришди, шунингдек спорт, саф тайёргарлиги, компьютер саводхонлиги, марш билан ўқув полигонига чиқиш, жанговар қурулдан отиш ҳамда амалдаги қонунчилик бўйича тегилиб олишнинг топирилиши тўғрисида таништирилди.

Бундан ташқари, ўқув машғулоти иштирокчилари билим юртига ташир буюрган Чирчиқ шаҳридаги 14-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан учрашиб, уларга эсдалик учун китоблар беришди.









# ХАЛҚ СИЗДАН РОЗИ БЎЛСИН!

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг жорий йил 9 апрелдаги қарори билан йўл ҳаракати қондаларига ўзгартириш киритилган, жумладан, куннинг ёруғ вақтида барча автомобилотранспорт воситалари яқинини ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шартлиги белгиланган эди. Аммо ушбу янгилик аксарият фуқаролар томонидан норозилик билан қарши олиниб, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда бу ҳақда ҳамон эътирозли фикрлар билдирилмоқда.

Гофуржон АЛИМОВ,  
«Нуқад»

та» автомобилларни техник кўриқдан ўтказишда электр ўтказгичларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Шу ўринда ўринли савол туғилади: автомобилларни техник кўриқдан ким ўтказди? Албатта, бу ишлар Ички ишлар вазирлиги томонидан масъул ходимлар томонидан амалга оширилади. Шундай экан, автомобилларни техник кўриқдан ўтказиш жараёнида биринчи гада айнан ўша масъул ходимнинг ўзи электр ўтказгичларга алоҳида эътибор бериши, машина ағасидан зарур маслаҳатларини аямаслиги лозим эмасми?


Қолаверса, автоэлектриклардан кундузи чироқнинг ёқилишига автоматизациянинг ёқилишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида сўраганимизда, улар пластмасса фараларнинг эриб кетишини ҳисобга олмаганда, янги автомобилларда бундай ҳолатлар юз бермаслигини, бундай ҳолат асосан эски модификациядаги автомобилларга калитни бураган заҳоти, чироғи ҳам ёқилиши ёрдам берадиган реле ўрнатилганидан сўнг юз беришини таъкидлади.

«Автомобиль чироқлари савдоси авжига: Кимлар фойда кўзлашди?..» номи рақобат билан ЎЗА сайтида чоп этилган мақолада эса «Авторитет» дўкони сотувчи консултантининг фикри келтирилган. Унинг айтишича, автомобильлар учун мўлжалланган ҳар қандай чироқ у ҳоҳ Хитой, ҳоҳ Европа маҳсулотиди бўлсин, уни улаб турувчи мослама 72 мм бўлиб, у қизиқ кетса, қисқа туташувдан ёнғин содир бўлиши мумкин экан.

Шунингдек, сайтдаги мазкур мақолада икки нафар ҳайдовчининг фикрлари видеолашга жойлаштирилган. Гувоҳи бўлган бўлсангиз уларнинг фикрлари ҳам ўзига яраша асосга эга.

Биламизки, қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ё қарор биринчи гада юрт ободлиги-ю, халқ фаровонлигини кўзлаган ҳолда, унинг манфаати учун хизмат қилиши керак. Аммо бизни таажубга солаётган жиҳат биргина янгилик ортидан шунча шов-шувлар, норозиликлар, эътирозлар...

Ваҳоланки, Юртбошимиз «Бизнинг бош мақсадимиз — халқимизнинг розилиги. Агар халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади», — дея тақдор-тақдор таъкидлайдилар. Умид қиламизки, фикрлару эътирозлар, мулоҳазалару депутатларнинг таклифлари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилди.



## БУТУН БОШЛИ ОИЛАНING ЎЛДИРИЛИШИ САБАБИ ОЙДИНЛАШМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, фуқаро А.Х. ва унинг оила аъзолари (жами 5 нафар) жасадлари қотиллик аломатлари билан топилганлиги ҳолати юзасидан Бош прокуратуранинг ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси томонидан жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тергов-тезкор гуруҳи амалга оширган кенг қамровли тадбирлар натижасида жиноят фош этилиб, жиноятни ушбу маҳаллада яшовчи Ф.Т. (1981 й.т., ишсиз), Ж.У. (1993 й.т., ишсиз), Ш.Э. (1995 й.т., ишсиз) ва Х.Н. (1996 й.т., ишсиз)лар ноқонуний бойлик орттириш мақсадида жорий йилнинг 14 майдан 15 майга ўтар кечаси марҳум А.Х.нинг хонадонига яширинча кириб, уларнинг ўҳлаб ётганлигидан фойдаланиб, ўзлари билан олиб келган темир бўлақлари билан бош, юз ва жағ қисмларига бир неча мартаба уриб, қасддан ўлдириб, хонадондан 22 миллион сўм ва марҳум Ж.И.нинг «Samsung Galaxy A8» русумли телефонини кўлга киритишган.

Шундан сўнг, улар жиноят ишларини яшириш мақсадида марҳум Ж.И.га тегишли «Дамас» русумли автомашинага жасадларни юклаб, автомашинани Кўшработ тумани, «Дуст-

лик» МФЙ, «Боқичғатой» қишлоғидаги далага ташлаб кетишган.

Гумон қилинувчилар Ф.Т., Ж.У., Ш.Э. ҳамда Х.Н.ларнинг содир этган жиноятлари уларнинг иқдорлик кўрсатувлари, гумон қилинувчиларнинг кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш тергов ҳаракатлари, ашёвий далил тариқасида олинган жиноят куруллари бўлган 4 донга темир бўлақлари, марҳум Ж.И.га тегишли бўлган «Samsung Galaxy A8» русумли телефон аппарати, марҳумларга тегишли бўлган пул маблағлари, жиноят содир этиш вақтида гумон қилинувчиларнинг ағнида бўлган жиноят аломатлари мавжуд кийимлари ва бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ тасдиқланмоқда.

19.05.2019 йилда Ф.Т., Ж.У., Ш.Э. ва Х.Н.лар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «а», «в», «ж», «и», «п» бандлари билан гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниб, Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддаси тартибиде ушланган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Бош прокуратуранинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими**



Фото: Дастлабки тергов давомида олинган ашёвий далиллар

FAOLIYAT

## ФУҚАРО ФОЙДАСИГА 10 МИЛЛИАРД

Файрат УСМОНОВ,  
МИБ Учтепа туман бўлими бошлиғи

Мамлакатда тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюросининг асосий фаолият йўналиши ҳисобланади. Айниқса, суд ижро ҳужжатлари ижросини таъминлаш учун тадбиркор ёки ташкилотнинг ҳақларини ундириш орқали уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади.

Мажбурий ижро бюросининг Учтепа туман бўлими иш юритишдаги ижро хатига кўра, қарздор М.Ташкенбаев ҳамда уни кафиликка олган «Steel Aura Business» МЧЖдан ундирувчи С.Иброҳимов фойдасига 10 миллиард 502 миллион 067 минг 846 сўм миқдоридеги қарзни ундириш белгиланган.

Мазкур ижро иши давомида қарздорга тақдим этилган муддатда қарз тўланмагач, кафил «Steel Aura Business» МЧЖнинг ҳисоб рақамларига банд солинди.


Шу тариқа кафилнинг ҳисоб рақамидан 2019 йил 1 апрель куни 10 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари ундирувчининг аризасида кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.





## FAOLIYATIDAN

57 яшар Алижон Қаюмов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам беш марта судланган. Узлаштириб талон-тарож қилиш, фирибгарлик, мансаб сохтакорлиги, ҳужжатларни сохташга, давлат проба тамгаларини тайёрлаш ва улاردан фойдаланиш қоидаларини бузиш, пора олиш жиноятларини содир этган. Одатда рецидивистлар Жиноят кодексини сув қилиб



## Партия маблағларини ўзлаштирди

Ўз хато ва камчиликлари атрофида айланиб қолган инсон маънавияти нуқсонли бўлади. Йўқса, такрор-такрор обрўсига пугур етказган ҳолатга ўзи сабабчи бўлавермай-да...

Ромитан туманида туғилган Шухратжон Мардонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумотли, салоҳиятли кадр. Бироқ у умумманфаатини ўйлаб бош қотириб ўтирмайди. Ва у бу хатти-ҳаракатини ақл-заковатининг белгиси деб билди. Шунинг учун ҳам муқаддам икки марта судланган бўлишига қарамадан ҳеч тап тортмай яна ноқонуний ишга қўл урди.

2018 йил 29 августда жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг ҳукмига кўра, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топилди ва унга озодликдан чеклаш жазоси тайинланди.

Гап шундаки, судда у 2016 йил 24 мартдан 2016 йил 25 декабрга қадар бўлган вақт мобайнида Ўзбекистон ХДП Бўхоро вилоят кенгаши бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш максатида ташкил қилинган банк корпоратив карта ҳисоб рақамига ўтказилган 67 миллион 674 минг 791 сўм маблағни ўзининг эҳтиёжлари

## Аччиқ қисматига тан берди

Уфқ ортидан заррин нурларини сочиб, барқашдай кўёш ётоғидан бош кўтарганда ҳам, кўк тоқидан ой ёғдуси куйилганда ҳам Умар Эрқаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг хаёлида қандай бўлмасин кўпроқ пул топиш фикри чарх урарди.

У 2015 йилнинг 24 августидан 2019 йилнинг 10 январига қадар Нишон тумани "Хай-вонлар касалиқлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази" директори вазифасида ишлаб келган. У.Эрқаев 2018 йилнинг ноябрь ойи бошларида марказ ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказиб, марказнинг ёпилиши ҳақида ёлгон уйдирмалар тарқатди. Агар марказ ёпилса, барча ходимлар ишсиз қолишини айтади. Ходимларнинг ишончига кириб, агар пул йиғиб беришса, республикадаги танишлари

орқали марказни сақлаб қолиши мумкинлигини айтиб, хизмат хонасида "Бактериология, паразитология ва токсикология"

## Йиғилишдаги уйдирма, марказ директорининг ўзига қимматга тушиди.

бўлими бошлығыдан 300 минг сўм пулни алдаш ва фирибгарлик йўли билан олган вақтда Департаментнинг Нишон туман бўлими ходимлари томонидан ушланди.

Тергов давомида аниқлани-

## Қозонхона бошлиғи пора таклиф қилди

ичиб юборишди. А.Қаюмов пора олиш каби пора бериш ҳам жиний жавобгарликни келтириб чиқаришини яхши билган. Била туриб пора бериш эвазига галдаги жиний қилмишини хаспўшламоқчи бўлди.

Фаргона вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси мансабдор шахсларига нисбатан кўзгатирилган жиноят иши доирасида ҳужжатли тафтиш ўтказилди. Унда корхонанинг РК-3 қозонхонасида 66 метр шевеллер йўқлиги аниқланди. Қозонхона бошлиғи А.Қаюмов Департаментнинг Фаргона шаҳар бўлими инспектори М.Ризаевни хонасига таклиф қилди. Камомаднинг текхислатиб берса, хизматини қилишини айтади. Унга

Шерзод ЎРМОҶОВ,  
Департаментнинг Фаргона вилоят бошқармаси катта инспектори

такрор учраб, тафтиш далолатномасида камомаднинг кўрсатмаслик эвазига 1000 АҚШ доллари беришни ваъда қилди.


Инспекторнинг қозонхона бошлиғи камомаднинг кўрсатмаслик учун пора бермоқчи бўлаётгани ҳақидаги аризасига биноан тезкор тадбир ўтказилди. Департаментнинг шаҳар бўлими биносида, инспектор М.Ризаевнинг хизмат хонасида унга 1000 АҚШ доллари берган А.Қаюмов ушланди. Аллақачон виждонини пуллаб юборган, суддан қурққ чикшишга умид қилиб, моддий бойликлар камомадини пора бериш эвазига беркитмоқчи бўлган қозонхона бошлиғи бошидан совуқ сув қуюлгандай, стулга чўкди.

Суд А.Қаюмовга моддий жавобгарлик билан боғлиқ мансабларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда 10 миллион 136 минг сўм жарима жазосини тайинлади. 1000 АҚШ доллари давлат фойдасига ўтказилди.

Улуғбек ЭСАНОВ,  
Департаментнинг Бўхоро вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

учун сарфлаб юборгани иботини топди. Бош ҳисобчи Ўзбекистон ХДПнинг жами 71 миллион сўмдан ошиқроқ маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилгани маълум бўлди. У ХДП Бўхоро вилоят кенгашининг корпоратив карточкасидаги пул маблағлари ҳисобидан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун савдо дўконларидан озик-овқат маҳсулотлари харид қилганини инкор этмади.

Шахсий манфаатини ўйлаб, умумманфаатини унутган ҳар қандай киши алалоқибат азиёт чекиши ҳеч гап эмас.




Зиёдулла ЖўРАЕВ,  
Департаментнинг Нишон туман бўлими инспектори

шича, марказ ёпилса ишсиз қолишини айтиб, У. Эрқаев алдо йўли билан бошқа ходимлардан ҳам пул олган.

Мазкур ҳолат юзасидан У. Эрқаевга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари

билан жиноят иши кўзгатилиб, унга қилмишига яраша жазо тайинланди.

У жиноят кўчасига кириб, унинг ботқоғига ботганлиги боис ўзининг аччиқ қисматига тан беришга мажбур бўлди.



## Нафсига сотилган мутахассис

Хоразм вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси Даврон Исмоилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) масъулиятли вазифаларни виждонан бажариш ўрнига, иш билан ҳузурга келган фуқаролардан бир нима ундиришни, бу орқали ими-жимидан мўмай даромад топишни кўзлайди.

Янгибозор тумани "Бошқирших" қишлоғи ҳудудига қурилатган дўкон ва ошхона биносининг қурилиши тугалланмаган бўлса-да, инспекция етакчи мутахассиси Даврон Исмоилов фуқаро Санжар Хусановга ушбу бино учун тегишли комиссия аъзолари орқали фойдаланишга қабул қилиш бўйича далолатнома расмийлаштириб беришга ишонтириб, эвазига фуқародан 2 миллион сўм сўрайди. Департаментнинг Хоразм

Алижон ПОЛВОНОВ,  
Департаментнинг Янгиарик туман бўлими бошлиғи

вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси Даврон Исмоилов қурилиши тугалланмаган бино учун далолатнома расмийлаштириб бериш эвазига фуқаро С.Хусановдан сўраган 2 миллион сўм пулни дўкон сотувчиси Омон Бекчаев орқали олаётган вақтда ушланди. Ҳозирда мажкур ҳолат юзасидан ушбу фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилмақда.

Гуручдан қурмак чиқавергани каби одамлар орасида ҳам фирибгарлари учраб туради. Шундай экан, аввало, ўзимиз сергак ва огоҳ бўлайлик. Кези келса, бундай одамларнинг асл қиёфасини дош этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш энг тўғри йўл эканини унутмайлик.

## Меҳнат ярмаркасидаги фирибгар

Фаррух Балиқчи Индустриал педагогика коллежи биносида коллеж битирувчилари билан ташкил этилган меҳнат ярмаркасида келиб, бўш иш ўринлари билан танишиди. Иш ўринлари, мавжуд имкониятлардан хабар топгач, бухгалтерия йўналишида ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, шу соҳада ишлаш фикри уйғонди.

Обтабек АЗИМОВ,  
Департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси инспектори

қўйишда ҳам ёрдам беришини, бунинг учун 350 АҚШ доллари беришини билдириб, унга телефон рақамларини берди.

Етти ёт бегона бўлса-да, Дилмурод Фарруҳга "акаларча" меҳрибонлик кўрсатиб, бир неча маротаба телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўраб, ишларини тезроқ битириб бериш учун ҳаракат қилаётгани, коллежга бормасдан диплом олиб бериши тўғрисидаги гапларидан кейин Фарруҳда ушбу шахсга нисбатан шубҳа уйғониб, мажкур ҳолат бўйича Департаментнинг Балиқчи туман бўлимига ариза билан мурожаат этди.

Ушбу мурожаат бўйича ўтказилган тезкор тадбирда Д.Аҳмедов фуқаро Ф.Донёровга бухгалтерия йўналишидаги касб-хунар коллежи дипломини олиб беришни ваъда қилиб, ундан 350 АҚШ долларини олган вақтда ашъвий далиллар билан ушланди.

Балиқчи туман Индустриал педагогика касб-хунар коллежи биносида ўтказилган очик сайёр судда аслида ҳеч қаредда ишламайдиган, фирибгарлик йўли билан бошқарнинг мулкни кўлга киритмоқчи бўлган Д.Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.





**Косон тумани электр тармоқлари корхонасида ишловчи Х.Болтаев Косон тумани "Некўз" МФЙда яшовчи фуқаро Р.Жалиловнинг электр энергиясидан мавжуд 1 миллион 743 минг сўмлик қарздорлигини билгани ҳолда, ушбу қарздорлик масаласида мурожаат қилиб келган Р.Жалиловнинг қайнотасига "Агар менга 1 миллион сўм берсангиз, ушбу қарздорликни йўқотиб бераман", деб уни алдаб, ишончига қиради.**



## Электр корхонаси ХОДИМИНИНГ ҚИЛМИШИ

**Ш**ундан сўнг ундан 1 миллион сўми қўлга кириптиб, уни электр энергияси тўлови учун белгиланган тартибда қарим қилмасдан, ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборади.

Ҳолат юзасидан Х.Болтаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Яна бир ҳолат, Тошлоқ туманида яшовчи фуқаро Қ.Тошболтаев яшаш уйида электр энергияси истеъмолига мўлжалланган маиший техника ва ишлаб чиқариш дастгоҳлари кўп бўлгани сабабли электр энергиясидан "эллика-эллик" фойдаланишидан маъқул кўрди. Хусусан, у 2017 йил январь ойида электр энергияси олиш приборига келган электр кабелидан электр ҳисоблагичнинг орқа тарафи орқали ноқонуний алоҳида тармоқ тортиб, яшаш уйидаги энг кўп қувватли техника жиҳозларига улаб, фойдаланиб келган.

Ўтказилган қайта ҳисоб-kitоб натижасида Қ.Тошболтаев давлат манфаатларига 33 миллион 444,2 минг сўм

миқдорда моддий зарар етказгани аниқланган.

Бюронинг Тошлоқ туман бўлими томонидан ҳуқуқбузарга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси мазмун-моҳияти тушунтирилиб, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий за-

**Саидқосим БУРХОНОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги МИБ бўлим бошлиғи

қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Тезкор тадбирлар мобайнида табиий газ тармоқлари ҳам ноқонуний улашиб олган истеъмомчилар фойдаланиш этилмоқда. Хусусан, туманининг Алишер Навоий маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Холматов ўзига қарашли дала ҳовлида яширин оҳак ишлаб чиқариш цехи ташкил этади. Цехга яширин тармоқ тортиш ҳам эсидан чиқмайди. Яъни шу худуддан ўтган юқори босимли табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан, ер остидан улашиб олади.

Ўтказилган тезкор тадбирдан кейин ўғирчи фойдаланилган табиий газ қайта ҳисоб-kitоб қилинди ва етказилган зарар 56 миллион 160 минг сўм миқдорда экани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Н.Холматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли жазо чораси қўлланилди.

### Фуқаро электр энергиясидан «эллика-элик» фойдаланиши маъқул кўрди.

рарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги маълум қилинган.

Ўз ҳаракатлари моҳиятини тўлиқ англаган Қ.Тошболтаев унга берилган қонундаги имкониятдан фойдаланиб, моддий зарарни қоплаган ва шунга қўра айбигилик масаласини хал қилмай туриб, жиноят иши қўзғатишни рад

**Б**юронинг Наманган вилоят бошқармаси, шаҳар ва туманлар бўлимлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, Янгикўрғоннинг энг олис худудларидан бири — "Зарбдор" маҳалла фуқаролар йиғинида салкам 700 нафар оила истиқомат қилади. Маҳаллада Мажбурий ижро бюроси туман бўлими томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирлари боис, худудда намунали истеъмомчилар сони ортиб бормоқда. Сектор вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирларда асосий эътибор энергия ресурслари, сув таъминоти, сув чиқариш ҳамда маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш, шунингдек, суд ва бошқа орган ҳужжатларининг сўзсиз ижроси бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлаш, бу борада истеъмомчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилмоқда.

Бюронинг туман бўлими томонидан "Қизилёзи", "Сойбўйи" ва "Кўкёр" маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган тарғибот тадбирлари, ўр-

**Соҳибжон РАПИҚОВ,**  
МИБ Наманган вилоят бошқармаси катта инспектори

ганишларда қатор қонун бузилиши ҳолатлари ҳам аниқланди. Хусусан, "Қизилёзи" маҳалласида жорий йилнинг 10 март куни ўтказилган тадбир мобайнида Ҳомидовлар хонадонидан истеъмом қилинган энергия ресурслари учун тўловни ўз вақтида тўлаш ўрнига, ўғирчи тармоқдан фойдаланиб келаётгани оқибаотида салкам 4 миллион сўм зарар етказгани маълум бўлди. Эки туманининг "Барқомол" маҳалласида яшовчи Иномовлар хонадонидан электр энергиясидан яширинча фойдаланилаётгани аниқланди. Яъни "хеч ким билмайди" қабилида иш тутган бу оила етказган зарар суммаси ҳисоб-kitоб қилинганда, 18 миллион 235 минг 650 сўм экани маълум бўлди.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида туманда энергия ресурслари ва сув таъминотидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 56 та ҳолат аниқланиб, тегишли далолатнома расмийлаштирилди. Натижада, 56 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилиб, 303 миллион сўм зарар тўлиқ ундирилди.

## 105 миллионлик алимент

**Санжар ИМОМОВ,**  
МИБ Навоий вилоят бошқармаси катта инспектори

Нурота туманидаги оилалардан бирининг бузилиши оқибаотида икки нафар норасида гўдак ҳам ота меҳридан, ҳам моддий таъминотдан айрилишига тўғри келди. Ота-оналарнинг ажралиши жараёнида суд томонидан болаларнинг моддий таъминоти учун жавобгарга алимент тўлаш мажбурияти юклатилган. Лекин белгиланган алимент йиллар давомида қарздор, яъни ўша болаларнинг "отаси" томонидан тўланмай келинаётган эди.

**Ў**з фарзандларининг моддий-маънавий камолоти учун масъулиятсизлик қилиб келаётган бундай кимсалар жамият учун носоғлом авлоднинг етишиб чиқишига сабабчи бўлаётганларини англаб етмаётганлар.

Шундан келиб чиқиб, Мажбурий ижро бюроси Нурота туман бўлими давлат ижроси томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида қарздордан 2018 йил охирида 73 миллион 400 минг 700 сўм ва жорий йилнинг апрелига 32 миллион 400 минг 450 сўм болалар тарбияси билан ёлғиз шугулланишга мажбур бўлаётган онага ундириб берилди.

Ундирилаётган бу пуллар моддий таъминот билан бирга ота меҳридан ҳам маҳрум бўлган болаларнинг келажаги учун пойдевор бўлишига умидворимиз.

**Бюронинг Қашқадарё вилоят бошқармаси органлари томонидан вилоятдаги тиббиёт бирлашмаларида энергия ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати юзасидан мониторинг ўтказилди.**

## Тиббиёт бирлашмасидаги қинғирлик

**Шаҳобз ТЎЛҚИНОВ,**  
МИБ Китоб туман бўлими суриштирувчиси

**Ў**тказилган мониторинг давомида вилоятдаги тиббиёт бирлашмаларидан бирида табиий газдан фойдаланиш ҳолати ўрганилганда, бирлашманинг хўжалик ишлари мудири Д.Ш. таъминотчи корхона билан шартнома тузмасдан, лойиҳадан ташқари 2 дон табиий газ қозонларини ўзбошимчалик билан ўрнатиб, 5 кун давомида туман газ таъминоти корхонасига 8 миллион сўмдан ортик миқдорда моддий зарар етказгани аниқланди.

Шу сабабдан бирлашманинг хўжалик ишлари мудири Ўзбекистон Рес-

публикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди ва унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан жарима жазоси қўлланилди.

Давлат ва жамоат манфаатларига етказилган 8 миллион 352 минг сўмлик зарар ҳамда жарима тўлиқ қоплаб берилди.

## Коррупция — жамиятга қарши жиноят

**Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриломоқда. Бу борада коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси изчил фаолият юритмоқда.**

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар шароитида давлат қурилиши ва ҳуқуқий сийосатининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш унинг мақсади ва вазифаларини ислохотларнинг бугунги тараққиёти асосида шакллантириб бориш, инсон манфаатларини таъминлашнинг стратегик жиҳатдан янги воситалар билан бир қаторда тактик хусусиятга эга бўлган янги усулларини қўллаш, шахс ҳамда жамият манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қилиш, коррупциянинг олдини олишни ҳуқуқий механизм-

ларининг такомиллаштириш эҳтиёжи вужудга келиши билан белгиланади.

2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Коррупциянинг салбий асоратлари ҳақида сўз борганда, у тўғайли, аввало, инсонларда адолат ва қонунга ишонсизлик кайфияти уйғонишини эъти-

**Муродбек ЁҚУБОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги МИБ бошқарма бош инспектори  
**Абдураҳим НИЁЗОВ,**  
МИБ Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

бордан соқит қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб бориладиган муайян ишлар билан бир қаторда, фуқароларда унга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш зарур. Юртимиздаги барқарорликни, фуқароларнинг осуда, хотиржам яшашдек олий ҳуқуқни кафолатлаш давлат ва жамият олдига бир қатор долзарб вазифаларни қўймоқда. Бинобарин, коррупцияга қарши қатъий ва изчил курашиш орқали тараққиёт пойдевори мустаҳкамланади. Мухими, аҳолида давлат ҳокимиятларига нисбатан ишонч ортиб боради.



